*1995 йилни кузатиб*

# МУЛК ЭГАСИ БЎЛДИМ

***ИЛГАРИ чорвачилик фермасида ишлаб юрганимда, қанийди, мана шу мол-холлар, мана шу молхоналар меники бўлса-ю, унда ишлаш қандай бўлишини кўрсатиб қўйсам, деб ўйлардим. Бахтимга иқтисодий ислоҳотлар амалга ошиб, чорвачилик фермасига эгалик қилиш насиб этди.***

Ҳозир юз бошга яқин молим бор. Чорвага меҳр қўйиб, умрини фермада ўтказиб келаётган Маҳкам Соурбоев, Абдуҳолиқ Абдураҳмоновлар ҳам юзга яқин сигир-бузоқлар асралаётган молхоналарга эга бўлишди. Шукур, чорва маҳсулдорлигини ошириш борасидаги ҳамма режаларимизни амалга ошириб, сутни ҳам, гўштни ҳам мўл-кўл етказиб беряпмиз. Илгари шунчалик кўп маҳсулот етиштириш мумкин эканлигига, гапнинг рости, ишониш қийин эди. Бунга мен аввало молларнинг наслини, емишини яхшилаш, барча ишларни илмий асосларда олиб бориш туфайли эришяпман, албатта. Озуқа етиштириладиган майдонларда ҳам шу зайлда меҳнат қилиб, мўл-кўл ҳосил оляпман.

Қояга чиққан чўққини кўзлар, деб халқ бежиз айтмаган. Яқиндагина учала фермер ўзаро маслаҳатлашиб, ферма биноларини илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозлашга қарор қилдик. Исроиллик мутахассислар бизга ёрдам берадиган бўлишди. Ҳозир улар фермага барча зарур жиҳозларни ўрнатишяпти. Ишончим комилки, тез кунлар ичида молларни едириб-ичириш, сут соғишдан бинолар ҳавосини мўътадиллаштиришгача бўлган барча юмушлар компьютерлар ёрдамида бажариладиган бўлади. Келгусида мана шу ишларни олиб бориш билан шуғулланадиган кишилар эса Исроилда ўқиб, тажриба ўрганиб, мутахассис бўлиб қайтадилар.

Ширкатлар бирлашмасида чорвачилик хусусийлашиб, маҳсулот етиштириш кўпайгач, сутни қайта ишлайдиган кичик корхона ёки цех қуришни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Бирлашма раҳбарияти Исроил билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиб, бу муаммони ҳам ҳал қилди. Биз ҳозир фермада соғиб олинган сутни шу корхонага топширяпмиз. Бу ерда эса 28 хил маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хўжалик ва туман аҳолисига сотилаётир.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, қишлоқларимизга саноат дадил кириб боряпти. Эндиликда бу ерда гиламчилик, тикувчилик цехлари, ун тортадиган ва шоли оқлайдиган тегирмонлар, ёғ ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турибди. Деҳқончилик ва хўжаликнинг бошқа соҳаларидан бўшаб чиққан юзлаб ёшлар ўқиб, янги касб ўрганиб, мана шу корхоналарда меҳнат қилмоқдалар. Республикамиз Президенти И. Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам ана шу масалага асосий эътиборни қаратган эдилар. Бирлашмамиз жамоаси Президентимиз олға сураётган ушбу вазифаларни изчил амалга ошириб боришни келгуси йилнинг ҳам асосий дастури қилиб олдилар. Чунки бу энг тўғри йўлдир. Агар мендан 1995 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди, деб сўрашгудек бўлса, мен йиллар бўйи юрагимга тугиб келаётган орзуимга эришганлигимни, мулк эгаси бўлганлигимни ва шу йўлдан дадил бориб, сира ҳам кам бўлмаётганлигимни айтардим.

**Шарифжон АБДУРАҲМОНОВ,**
**Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмасининг «Чашма» фермер хўжалиги раҳбари.**

*Ангренлик жамоатчи мухбиримиз Теша Шералиев хабар қилади*

### *БИР ЙЎЛА ИККИТА ТЕГИРМОН*

ОҲАНГАРОН. С. Раҳимов номли ҳиссадорлик жамиятига қарашли 3-бўлим маҳалласида аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Улуғбек Алибоев маҳалла оқсоқолларининг маслаҳати билан тегирмон қуриб ишга туширди. Эндиликда ун торттириш учун ўн-ўн беш километр масофага қатнашга ҳожат қолмади. Тегирмон иши билан танишаётганимизда ун торттиришга келган Муҳаммад Хўжаёров, Йўлдош Бойқўзиев, Эсонали Жумақуловлар яратилган қулайликдан ниҳоятда мамнун эканликларини билдирдилар.

Худди шунингдек, қўшни маҳаллада Нажим Хожиматов томонидан иккинчи тегирмон қуриб битказилди.

Одамларнинг оғирини енгил қиладиган бу хил кичик иншоотлар қанча кўпайса шунча яхши!

### *ЁРДАМ ЎЗ ВАҚТИДА*

Шаҳарда Ватан уруши қатнашчилари, ногирон ва кам таъминланган бир юз қирқта оилага қиш кунларида ёрдам тариқасида пулсиз ва имтиёзли нархларда кўмир етказиб бериш йўлга қўйилган. Ёрдамталаблар Ангрен кўмир кони директори И. Тенглашев, ишчи ва хизматчилар Ғ. Эргашев, М. Мирзалиевларнинг айни совуқ, қиш-қировли кунлар келганда бундай хизматларидан миннатдордирлар.

### *ҚУЛФНИ КИМ БУЗАДИ?*

АНГРЕН. Шаҳар биқинидаги Облиқ, Гулбоғ, Ғафур Ғулом қишлоқларида 1994 йилнинг биринчи ярмигача оёқ кийимларини, радио-телевизорларни таъмирловчи цехлар, бичиш-тикиш хонаси, сартарошхона бинойидек ишлаб турувди. Қишлоқ марказлари файзли эди. 1994 йилнинг иккинчи ярмидан маиший хизмат кўрсатиш биноларининг эшигига қулф осилди. Ҳозиргача бу қулфларни «безовта» қилишга ҳеч кимнинг «ҳадди сиғмаяпти». Одамлар эса майда-чуйда юмушларни битказиш учун шаҳарга қатнаш билан овора.

# ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙМИЗ

*дейди «Тошкент вилоят савдо» акционерлик компаниясининг раиси Ғайрат ТУРСУНОВ*

***Ҳозир ҳамма Янги йил байрами ташвишида. Кўчалар, майдонлар, айниқса, бозор ва дўконлар гавжум. Кимлардир байрам дастурхони учун ноз-неъматлар, кимлардир дўст-ёронлар учун совға-саломлар харид қиляпти. Айниқса, одамлар юмушига бел боғлаб хизмат қилаётган савдо ходимларининг иши ошиб-тошиб кетган. Ана шундай дамларда мухбиримиз «Тошкент вилоят савдо» акционерлик компанияси раиси Ғ. О. ТУРСУНОВ билан суҳбатлашди.***

*Байрам арафасидаги суҳбат*

**— Ғайрат Отабоевич, аввало кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин. Ҳозир энг катта ташвиш сизларда — савдо ходимларида. Одамларнинг дастурхони мўл-кўлчилигини ўйлаяпсизлар...**

— Тўғри айтасиз, байрам дастурхонининг кўрки кўп жиҳатдан эл юмуши учун бел боғлаб, беминнат хизмат қилаётган савдо ходимларимизнинг саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. «Тошкент вилоят савдо» ҳиссадорлик компанияси ва унинг тизимидаги барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бу кунга катта тайёргарлик билан келдилар. Янги йил байрами тараддудини кўриш, аҳолига юқори савияда хизмат кўрсатиш, уларнинг талабига мос келадиган товару маҳсулотларнинг савдосини кенг кўламда уюштириш, байрам ярмаркаларини ташкил этиш учун жойларда кенг миқёсда иш олиб борилди.

Байрам дастурхони серфайз, тўкин-сочин бўлади, бу халқимизнинг анъанавий одати. Шуни назарда тутиб, Янги йил арафасида узлуксиз савдони уюштирдик. Кундалик харид моллари таркибида ўсимлик мойи, ун, гуруч, макарон маҳсулотлари, чой, туз, гугурт каби товарлардан иборат заҳираларни етарли миқдорда тайёрлаб қўйгандик. Ароқ, вино, шампан виноси, турли хил салқин ичимликлар билан ҳам савдода узилишлар бўлмаяпти. Умумий овқатланиш корхоналари ва савдо ташкилотлари қошидаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цехларда нон ва нон маҳсулотлари, ширинликлар ва миллий пишириқлар тайёрланиб, аҳолига сотиляпти.

Байрам савдосини намунали ташкил этиш билан бирга Янги йил совғаларини тайёрлаш учун 36 тонна қандолатчилик маҳсулотлари, 25 тонна олма, 10 тонна цитрусли мевалар, 100 тонна шакар ва 120 тонна ўсимлик ёғи каби маҳсулотлар савдо ташкилотларига келтириб қўйилган. Ҳозир бу заҳиралардан ишлаб чиқариш корхоналари ва турли муассасаларнинг талабларига мувофиқ байрам совғалари тайёрлаб берилмоқда.

«Тошкент вилоят савдо» компанияси тизимидаги 224 та «Озиқ-овқатлар» ва «Саноат моллари» дўконларида байрам арафасида иш кунлари узайтирилган тартибда олиб бориляпти. Байрам совғалари ва арча безаклари билан савдо қиладиган 14 та дўконларга жами 123 мингта янги йил совғалари чиқарилган. Савдо-сотиқ эса 15 декабрдан бери олиб бориляпти.

**— Янги йил байрами арча ва безакларсиз ўтмайди, албатта. Айтинг-чи, арча савдоси қандай ташкил этилди?**

— Табиий арча билан савдо қилиш вазифасини вилоят шаҳарларидаги мавжуд ёғилғи-ёғоч базалари заминида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятлари зиммасига юклатганмиз. Уларга 8 минг дона табиий арча келтириб, аҳолига сотиш топшириғи берилганди. Аммо бу иш осон кечгани йўқ. Арчаларни олиб келиш учун Россия ҳудудларидаги хўжаликлар билан музокаралар олиб боришга тўғри келди. Бундан ташқари шу масала юзасидан вилоятнинг ўрмончилик хўжаликлари билан ҳам ўзаро шартномалар туздик. Бу саъй-ҳаракатлар эса ўз натижаларини берди. Аҳоли базаларимиздан керакли миқдорда арча сотиб оляптилар.

Мен ўрни келганида яна бир муҳим жиҳатга тўхталмоқчи эдим. Савдо рекламани, яъни молларни кўз-кўз қилишни ёқтиради. Шу билан бирга дўконларни Янги йил байрами руҳида безатишнинг аҳамияти ҳам ниҳоятда катта. Безатилган дўконлар харидорлар билан ҳамиша гавжум бўлиши эса маълум. Энди дўкон ва умумий овқатланиш корхоналаримизни келиб кўринг, кўзингиз қувонмаса мен кафил. Айниқса, «Чирчиқсавдо», «Бекободсавдо», «Олмалиқсавдо», «Чирчиқтаом», «Олмалиқтаом», «Ангрентаом» каби ҳиссадорлик жамиятларига қарашли дўкон ва ошхоналар ниҳоятда файзли, кўркам, байрамона тус олган. Бундай тайёргарликда ҳар бир сотувчи ва ошпаз фаол иштирок этди. Шу сабабли уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида кўрик-танловлар эълон қилганмиз. Байрам ўтгач ушбу кўрик якунланиб, ғолиблар фаолиятига тегишли баҳо берилади.

**— Байрам арафасида ва байрам кунларида янги йил бозорлари ташкил этиш расм бўлган. Бу йил ҳам ушбу анъаналар давом эттириляптими?**

— Ҳа, шу кунларда ҳар бир шаҳарда, аҳоли гавжум жойларда, марказий кўчаларда Янги йил бозорларини ташкил этганмиз. Вилоятнинг барча шаҳарларида жами 22 та жойда ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар, қандолатчилик маҳсулотлари, турли ширинликлар, ичимликлар билан савдо қиладиган кўргазмалар ишлаб турипти. 85 жойда эса кабоблар ва тўй ошлари тайёрланиб, аҳолига сотилмоқда, саноат ишлаб чиқариш корхоналари қошида ҳам ана шундай савдо кўргазмалари ташкил этилган. Аҳоли талабларига мувофиқ байрам тортларини тайёрлаб бериш учун буюртмалар ҳам қабул қилиняпти.

Ресторанлар ва саноат корхоналари қошидаги ошхоналарда байрам кечалари ўтказилади. Бундай кечалар жамоаларда ҳам ўтаётир, албатта. Уларга аъло хизмат кўрсатиш эса ходимларимизнинг зиммасида. Биз аҳолига савдо хизмати кўрсатиб, уларнинг миннатдор бўлишларига эришаётганимиздан мамнунмиз.

Ўрни келганидан фойдаланиб, севимли газетамиз жамоасини Янги йил байрами билан табриклайман. Уларнинг ижодлари янада баракали бўлсин, халқимизга хизмат қилишдан сира ҳам чарчамасинлар.

**Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Рафиқ ТУРСУНОВ ёзиб олди.**




## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

● МУРАККАБ иқтисодий шароитларга қарамай вилоятимизда капитал қурилиш ишлари кенг кўламда давом этмоқда. 1995 йилнинг ўтган ойларида маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан деярли беш миллиард сўмга яқин сармоя шу мақсадларга сарфланди, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми уч миллиард сўмликдан ошиқроқни ташкил этди.

● ФОЙДАЛАНИШГА топширилган уй-жой сатҳи икки юз минг квадрат метрдан ошиб кетди. Айниқса, якка тартибда уй-жой қурилиши кўлами кенгайиб бормоқда. Шу йўл билан қурилгани жами барпо этилган турар-жой ҳажмининг 82,5 фоизини ва ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 117 фоиздан ортиқроқни ташкил этди.

● ҚАТОР янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Жумладан, Янги Ангрен давлат туман электр станциясида 300 минг киловатли 7-энергия блоки ҳаётбахш нур бера бошлади. Ангренда маъданни қайта ишлаш кони ишга туширилди. Бекобод шаҳрида эса 4 минг ўринли АТС, Бўстонлиқ туманидаги Искандар шаҳарчасида 800 ўринли АТС фойдаланишга топширилди.

● ШАҲАР ва қишлоқларда аҳоли хизматида бўладиган турли объектларни миллий меъморчилик анъаналари асосида қуриш ва қайта қуриш ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. Чунончи, 300 дан ортиқ дўкон қурилди. 19 та бозор барпо этилди. Шаҳар ва қишлоқларга кирадиган 25 та арк қад кўтарди.

● ҚИШЛОҚ аҳолисини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ишлари бу йил ҳам тез суръатлар билан давом этди. Йилнинг ўн ойида 450 километр газ, 43,3 километр ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Ўн уч мингта атрофидаги уйларга «зангори олов» етказиб берилди. Шундай қилиб, вилоят бўйича уй-жойларни газлаштириш даражаси етмиш икки фоиздан ошиб кетди.

***Янги қурилган Олмалиқ автовокзали.***

●

***Миллий меъморчилик анъаналари услубида қад кўтарган Чинознинг янги бозори.***

**Даврон АХМАД олган суратлар.**

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

***Кейинги уч-тўрт йилда биринчи марта 1995 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмида ижобий силжишга эришилди. Унинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ортиши 100 миллион сўм атрофида бўлди.***

● Айниқса, кенг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг янги турларини тайёрлаш соҳасида дуруст натижалар қўлга киритилди. 1995 йилнинг ўн бир ойида унинг ҳажми ортиши 70 миллион сўмни ташкил этди, айни вақтда 60 тадан ортиқ янги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Вилоятимизда хорижий шериклар иштироки билан бирга салкам 80 та қўшма корхона барпо этилди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб турипти ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун, биринчи навбатда, фуқаролар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўнларча хил маҳсулотлар етказиб бермоқда.

● Йил давомида саноатни қишлоққа олиб кириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Ўн бир ой ичида қишлоқларда уч юздан ортиқ кичик корхоналар, цехлар, бўлимлар, линиялар ишга туширилди ва 12 минг нафарга яқин киши иш билан таъминланди. Бундай корхоналар сони 2500 тадан ошиб кетди. Уларда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол бозорини тўлдиришга етказиб берилаётган маҳсулотлар ҳажми 600 миллион сўмликка етди.




*1995 йилни кузатиб*

# НОН ТАЪМИ

***ЮРТБОШИМИЗ Ислом Каримов республика Олий Мажлисининг куни кеча бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқларида мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш олдимизда турган катта вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бу йил ана шу йўналишда туб бурилиш ясалган йил бўлди, десам янглишмайман.***

Вилоят ва туманимизда бирор хўжалик йўққи, кенг майдонларда ғалла етиштириб, хирмон кўтарилмаган бўлсин. Биргина ўзимизнинг хўжалигимиздан мисол: ғаллакорларимиз ўтган йил кузида 908 гектар ерга дон сочган эдилар. Сувидан, озуқасидан вақтида бохабар бўлиб, парвариши аъло даражада олиб борилгани сабабли ҳосил ниҳоятда мўл бўлди. Ҳар гектар ердан 36 центнердан ошириб, жами 3278 тонна дон ўриб-йиғиб олинди. Хўжалигимизда шу пайтгача бунчалик кўп ғалла етиштирилганини ҳали ҳеч ким эслолмайди. Бу ҳосил давлатга топширилишига ҳам, жамоа хўжалигининг барча аъзолари ўртасида тақсимлаб берилишига ҳам етди. Қишлоқ хонадонларига жами 650 тонна буғдой тарқатилди.

Омбор тўла дон бўлгач, қишлоқда ун тортадиган тегирмон қуришни ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Хўжалик бошқаруви менга шундай тегирмон қуришни таклиф қилди ва зарур ёрдамни берди. Ҳозир оиламиз аъзолари билан ўз тегирмонимизни юргизиб турибмиз. Ҳар куни бир тоннага яқин оппоқ ун тайёрлаяпмиз.

Ҳар куни эрта тонгда қишлоқ кўчаларидан юриб, ишга келарканман, хонадонлардан таралаётган янги ёпилган нон исини ҳузур билан ҳис этаман.

Азал-азалдан дони кўп қишлоқни ўзига тўқ, бадавлат ҳисоблаб келишган. Ана шу тўқчиликка озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хушнудман. Ҳа, айтгандай, хўжалигимизда бу йил яна 1040 гектар майдонга уруғ сочилди. Демак, келгуси йилда ҳам ғалла янада мўл бўлади, тегирмонимиз тоши кеча-кундуз тиним билмай айланаверади, хонадонлардан эса тандир тўла нонниг ҳушбўй иси атрофга таралаверади.

**Алексей КИМ,**
**Қуйичирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг тегирмончиси.**

# БИЗ — МЕТАЛЛУРГЛАРМИЗ!

МЕН ўттиз беш йилдан бери узлуксиз ишлаб келаётган Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод шаҳри тарихида ҳам, шахсий ҳаётимда ҳам 1995 йил эсдан чиқмайдиган из қолдирди. Маълумки, шу йилда ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолган шаҳримиз барпо этилганлигининг ярим асрлик тўйини тантанали нишонладик. Ярим аср давомида мўъжазгина қишлоқдан саноатнинг қатор етакчи тармоқлари ривожланган замонавий шаҳарга айланди. Сўнгги бир йил давомида унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди, десам муболаға қилмаган бўламан. Миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган ёки қайта сайқал берилган катта-кичик иморатлар шаҳар ҳусни-жамолини янада очиб юборди. Эндиликда уларни кўрганда дилингиз равшан тортади, қандайдир жозиба сизни мафтун этади.

Комбинатда қатор янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. У ҳиссадорлик жамиятига айланди. Жамоамиз корхонанинг асосий эгаси бўлиб қолди.

Шахсий ҳаётимга келганда шуни айтишим кераккки, комбинатдаги меҳнат фаолиятимнинг ўттиз беш йиллигини нишонладим. Менинг узоқ йиллар давомидаги камтарона меҳнатим юксак даражада қадрланганлигини мамнуният билан изҳор қиламан. Мен «Дўстлик» орденига сазовор бўлдим.

Ўтган йил тарих бўлиб қолди. Янги йил бошланди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясидаги нутқида айтганларидек, «1996 йил одамларимиз учун Ўзбекистоннинг тикланиш йўлида сезиларли ўсиш йили, шу баракали заминда истиқомат қилувчи ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун фаровонлик йили бўлғай, иншооллоҳ».

Биз — металлургларимиз. Жонажон мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудратини ошириш, халқ фаровонлигини юксалтириш муайян даражада бизга, яратувчилик меҳнатимизга ҳам боғлиқлигини чуқур ҳис қиламиз. Шунинг учун ҳам янги йилда янада фидокорона ишлашга азму-қарор қилганмиз. Бу эса бўлажак меҳнат зафарларимизни ишончли гаровидир.

**Мухторжон ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон металлургия комбинати оператори.**

# ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛАДИ

ҚИШЛОВГА пухта ҳозирлик кўрган Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги чорвадорлари жорий йилда катта ютуққа эришдилар. Ҳар бир қорамолни аниқ рацион асосида тўйимли озуқа билан боқишга, чорва наслини янгилаб ва яхшилаб боришга алоҳида эътибор бераётган чорвадорлар 1995 йилда ҳар бош соғин сигирдан 4350 килограммдан ошириб сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар. Умида Абдураҳимова, Адиба Қўчқорова, Насиба Қўчқорова, Муҳайё Шокирова сингари пешқадам соғувчиларнинг ҳар бири ўз қарамоғидаги сигирлардан 4500 килограммга яқин ва ундан ошириб сут соғиб олишди.

Илғорлар янги йилда ҳам кунлик сут соғиб олиш кўрсаткичларини пасайтирмасликка бел боғлашган.

**Ҳикматилла МАҲКАМОВ.**

*Таҳририятга хат*

# ҲАМИША ТАЪЗИМДАМАН!

***СИЗ, азиз муштарийлар, хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи салорлик Ислом — Николай Павлович Шадринни яхши биласиз. У ғоятда саҳоватли, меҳр-оқибатли инсонлардандир. Ўзи ногирон бўлишига қарамай, бошқаларга мурувват кўрсатсам, дейди. Бир бурда нон топса, бўлашиб есам, дейди. Николай Павловичнинг саҳоватли ишлари ҳақида рўзномамизда бир неча бор ёзганмиз. Мактубларини эълон қилганмиз. У ўз анъаналарига содиқ эканлигини, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида вилоятимиз меҳнаткашлари билан ҳамнафас эканлигини, айниқса, бободеҳқонларга ҳурмати ниҳоятда баланд эканлигини изҳор этиб, газетамизга мактуб йўллабди.***

«Мен Қибрай туманида истиқомат қиламан. Миллатим рус бўлишига қарамай, маҳаллий халқ — ўзбекларнинг урф-одатини қаттиқ ҳурмат қиламан. Ўз ҳаётимда, турмушимда уларнинг анъаналарига баҳоли-қудрат амал қилишни бурчим деб биламан. Чунки, мен ҳамиша улар билан биргаман, бирга нафас оламан.

Айниқса, бободеҳқонлар, пахтакорларга ҳурматим бениҳоя баланддир. Мен уларнинг меҳнати нақадар машаққатли ва оғир эканлигини яхши биламан. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг кўп йиллик мухлисиман. Газета саҳифаларида берилаётган материаллар орқали бутун йил давомида қишлоқ меҳнаткашлари, пахтакорларнинг ишлари, эришаётган натижалари қандай бўлаётганлигини кузатиб бордим. Улар билан бирга бўлгим, қўлдан келганча хизмат қилгим келади. Лекин, иложим йўқ. Бироқ, мен ўзимнинг ҳунарим билан уларга ҳамма вақт ва ҳамиша ёрдам беришга тайёрман.

Ҳурматли таҳририят! Ҳар йилдагидек бу йил ҳам менинг номимдан вилоятдаги энг илғор фидойи пахтакорлардан уч кишини «Тошкент ҳақиқати»га обуна қилиб беришга ёрдам берсаларингиз деган илтимосим бор. Манзилгоҳлари, исми-шарифларини менга юборсангиз бўлгани. Ҳужжатини сўнг сизларга юбораман, менинг номимдан ўзларингиз топшириб қўясизлар. Эҳтимол, улар менинг бу ҳимматимга, саховатимга муҳтож эмасдирлар, лекин нима бўлганда ҳам бу менинг уларга янги йил совғам бўлсин, бу билан «Ҳосил-96» мавсумига озми-кўпми ҳисса қўшгандайман. Зотан, пахта бизнинг бойлигимиз, пахта қанчалик мўл-кўл бўлса, турмушимиз шунча фаровон бўлади. Бу оддий ҳақиқат.

Сизлардан яна бир илтимос, биласизлар, сизларнинг ёрдамингиз туфайли устахона қуриб олганман, унга «Мустақиллик» деб ном берилган. Бу устахонада ҳозирги кунда фақатгина телерадиоаппаратларинигина эмас, балки кир ювиш, тикиш машиналари, чанг тозалагич механизмлари, қўл соатдан ташқари барча соатларни таъмирлаш учун қабул қиламан. Мен яна шуни айтаманки, барча пахтакорлар, қишлоқ меҳнаткашларининг телерадиоаппаратларини бутун мавсум давомида текинга таъмирлаб беришим мумкин. Улар устахонамга таъмирга муҳтож механизмларини олиб келиб беришса бас. Ҳа, айтгандай, бундан уч-тўрт йил илгари вилоятдаги энг илғор пахтакор дўстларимга ўз шахсий жамғармамдан сотиб олган радиоприёмникни совға қилган эдим. Бу ҳақдаги материал менинг расмим билан газетада босилган эди. Газетангиз орқали ўша дўстларимга салом деб, ҳол-аҳволларини сўраб қўйишларингизни сўрайман.

Ўзбек халқида кўнгил кўнгилдан сув ичади, деган нақл бор. Мен бунга ўз фаолиятимда кўп марта ишонч ҳосил қилдим. Қарилик-да, бироз тобим қочиб қолди. Лекин, қишлоқ аҳли, фаоллар, шифокорларга минг раҳмат, улар мени даволашди, яна иш жойимга қайтдим. Жамоатчиликдан ғоятда миннатдорман. Айниқса, туман ҳокими А. Йўлчиевдан ғоят хурсандман. Яқинда унинг шахсан ўзи устахонамизни Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

Ҳаммангизга, ўзбек биродарларим энг қийин кунларда мени руҳлантириб, қўллаб-қувватлаб турганликлари учун минг раҳмат! Мен ўзимнинг шодлигим, ҳис-ҳаяжонларимни шеърий сатрларга кўчиришга ҳаракат қилдим. Асло шоирликни даъво қилмоқчи эмасман, лекин, бу сатрларни менинг халқимга, ҳукуматимизнинг олиб бораётган тўғри ва одилона сиёсатига, Президентимизнинг Ўзбекистонни гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларидан руҳланиб, ёздим.

***Тинглагил эй она юртим — Ўзбекистоним,***
***Жаннатмакон боғларга бой ажиб бўстоним.***
***Достонларда мадҳ этилган ҳур гулистоним,***
***Сен туфайли оромдадир турмушим, жоним,***
***Меҳр тўла оғушингда яйрайман чунон,***
***Таъзимдаман тупроғингга ҳамиша, ҳар он!***
***Ҳур миллатга қучоқ очган, кенг бир маконсан,***
***Тинчлигимиз борасида бир тану жонсан,***
***Маънавият бобида-ку туганмас консан,***
***Ислоҳотлар йўлин тутган Ўзбекистонсан.***
***Меҳр тўла оғушингда яйрайман чунон,***
***Таъзимдаман тупроғингга ҳамиша, ҳар он.***
***Келажаги буюк юртим, толе сенга ёр,***
***Жаҳон таниб улуғланган қуёшли диёр.***
***Ҳамдўстларнинг орасида сенсан бахтиёр,***
***Ўзбекистон номи ўзи — чексиз ифтихор,***
***Меҳр тўла оғушингда яйрайман чунон,***
***Таъзимдаман тупроғингга, ҳур Ўзбекистон».***

**Ислом ШАДРИН.**

